



МИНТАҚАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛANIШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a62

Холмуротов Фозил Сарibaевич -
Урганч давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD.

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсир қилуви омиллар ва бу омилларнинг таснифлари берилган ҳамда бу омиллар билан боғлиқ хорижий тажрибалар ўрганилган. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи турли омилларни таҳлил қилишга қаратилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, омиллар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ривожланиши.

КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕГИОНА

Холмуротов Фозил Сарibaевич -
Кафедра «Экономика» Ургенчского государственного
университета доцент, к.т.н.

Аннотация. В данной статье приведены факторы, влияющие на развитие сельского хозяйства, и классификация этих факторов, а также изучен зарубежный опыт, связанный с этими факторами. Основное внимание уделяется анализу различных факторов, влияющих на сельскохозяйственное производство.

Ключевые слова: сельское хозяйство, продовольствие, факторы, производство, развитие сельского хозяйства

CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING AGRICULTURAL DEVELOPMENT IN THE REGION

Kholmurotov Fozil Saribaevich
Department of "Economics" of
Urganch State University associate professor, PhD

Abstract. In this article, factors affecting agricultural development and classification of these factors are given, and foreign experiences related to these factors are studied. The main focus is on the analysis of various factors affecting agricultural production.

Keywords: agriculture, food, factors, production, agricultural development

Кириш. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиёти ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқлардан биридир. Қишлоқ хўжалиги ривожланаётган мамлакатларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини оширишнинг муҳим воситаси сифатида қаралиб келинмоқда. Ҳусусан, қишлоқ хўжалигига ўсишни таъминлаш аҳолининг кам таъминланган қисми даромадларини оширишда иккидан тўрт баробаргача самарали эканлиги аниқланган [1].

Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ва барқарор иқтисодий ўсиши таъминланиши кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсирига боғлиқ. Бошқа томондан эса қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқарини тартибга солишда мазкур жараёнда қатнашувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, улар сони, сифати тури табиий-географик, иқлим шароитларига тўғридан-тўғри боғлиқлиги кабиларни ҳисобга олган ҳолда мос усулларни танлашни талаб қиласди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг бозор қонунлари асосида ривожланишини таъминлаш, ҳусусий сектор улушини ошириш бўйича чора-тадбирлар маҳсулотларини етишти-

ришда катта ҳиссага эга бўлган фермер ва дехқон хўжаликларининг асосий субъект сифатида шаклланишини таъминлайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг етиширилган маҳсулот ҳажмидаги улуши анча паст бўлиб, етарли даражада аҳамиятга эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчи субъектларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, ҳусусан, ташкилий-хуқуқий шакли, маҳсулот етиширишга ихтинослашуви, ихтиёридаги мавжуд ер ҳажми ва унга эгалик қилиш шартлари кабилар қишлоқ хўжалигига маҳсулот етишириш жараёнига таъсир қилувчи омиллар гуруҳини аниқлаш ва улар таъсир даражаларини баҳолашда муҳим. Натижада маҳсулот ишлаб чиқарини тартибга солиш усуулларини танлаш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаш, улардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш, таъсир даражалари бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қатнашувчи асосий субъектлар фаолияти ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятларига боғлиқ бўлиб қолади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ хўжалигини самарали ривожланти-

риш, хусусан, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгаришиларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[2] каби қатор вазифалар белгиланган. Бу борада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солишида инновацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг интенсив ҳамда экстенсив манбаларини аниқлаш, ишлаб чиқариши барқарор ривожлантириш асосида эконометрик моделларни самарали қўллаш юзасидан илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалиги ривожига таъсир қилувчи омилларни ўргангандан бири **Amartya Sen** [3] хисобланади. **Amartya Sen** турли омилларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсирини ўрганганд. У қашшоқлик, очлик ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги яқин алоқани таъкидлаб, қишлоқ хўжалигининг барқарор ва адолатли ривожланишига ёрдам берадиган сиёсат ва дастурлар зарурлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги инсон тараққиётини рафбатлантириш, жумладан, бандлик ва даромадларни таъминлашда ҳамда чекка гуруҳларнинг эҳтиёжларини қондириш орқали ижтимоий адолатни таъминлашда мухим роль ўйнайди. **Sen**, шунингдек, иқтисодий ривожланишда самарали қишлоқ хўжалиги бозорларининг аҳамиятини таъкидлаган.

Бундан ташқари **M.S.Svaminathan** қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига қўшган ҳиссаси билан танилган таниқли қишлоқ хўжалиги мутахассиси ҳисобланади. Унинг тадқиқотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш, барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётини тарғиб қилиш, қишлоқ тараққиётини қўллаб-кувватлаш ва экинларни яхшилаш учун генетик муҳандисликдан фойдаланишни тарғиб қилишга қаратилган. У қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади, бу муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни ҳал қилишда комплекс ёндашув зарурлигини таъкидлади [4].

Яна хориж олимларидан **Pinstrup-Anderssenning**[5] мақоласида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга кўмаклашиш воситаси сифатидаги муҳимлиги ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга барча манфаатдор томонлар, жумладан, фермерлар, қишлоқ жамоалари ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган комплекс ва инклузив ёндашув зарурлиги таъкидланган.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши, қишлоқ хўжалигини инновацион бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ва унинг тўсиқлари ва оқибатларини ўргангандиришга қаратилган олимлар ва тадқиқотчилар жумласига **Yan Su, Xianping Wang, Goetz Renan, Laura Cramer**[6] каби олимларни киритишимиш мумкин.

Бундан ташқари МДХ олимларидан Р.Г.Кравченко [7], М.М.Цвиль, В.Е.Шумилина [8], М.И.Горбачев[6] асарларида қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш, эконометрик таҳлил ва моделлаштириш, иқтисодий таваккалчиликларни прогнозлаш каби масалалар ҳамда уларнинг ечими ёритиб берилган.

Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланишини, унга таъсир қилувчи омилларни ўргангандан С.С.Гулямов[9], Т.Ш.Шодиев, Т.Д.Досчанов, Б.Р.Рузметов, И.С.Абдуллаев[10], А.С.Хўжаев ва бошқалар илмий изланишларида эконометрик моделлаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши ривожлантириш, тартибга солиш, хўжаликлар ривожланиш тенденция ва истиқболларини эконометрик башоратлаш, минтақавий-иктисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўлларини статистик методлар асосида ишлаб чиқишининг назарий-услубий ҳамда илмий-амалий муаммолари тадқиқ этилган.

Юқорида тилга олинган олимлар изланишларида қишлоқ хўжалиги ривожланиши,

тартибга солиш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши ривожлантириш истиқболларини эконометрик баҳолаш масалалари кенг ёритиб ўтилган бўлишига қарамасдан, бугунги жаҳон иқтисодиётидаги даврий тебранишлар кучайиб бораётган бир шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини яхлит бир тизим сифатида таҳлил қилиш ҳолатлари ва муаммога комплекс ёндашиб бўйича чуқур илмий излашишлар олиб боришни талаబ қилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг назарий-услубий асослари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ривожи, қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги роли, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш каби йўналишларда илмий тадқиқот ишини олиб борган бир қатор олимларнинг ишлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида илмий тадқиқотларнинг диалектика назариясига таянган ҳолда анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш усулларини аниқлаш ва механизмларини ишлаб чиқишидан олдин субъектларнинг ўзига хос жиҳатлари ва устунликлари, маҳсулот етиштиришдаги ролини инобатга олган ҳолда уларнинг имкониятлари ва камчиликларини таҳлилий қараб чиқиши тараба қилинади. Мазкур таҳлил улардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга мос ечимларни излаб топиш қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш имкониятини яратиб беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда энг катта улушга эга бўлган, яъни мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2021 йилда 68 фоизини таъминлаган дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг маҳсулот турини танлаш бўйича қарор қабул қилиш, ерга эгалик қилиш нуқтаи назаридан устунликка эга бўлиши ҳамда ихтиёридаги мавжуд ер ҳажмининг чегараланганлиги уларнинг ер ва сувдан фойдаланиш бўйича самарадорлигининг юқори бўлишини таъминламоқда. Бошқа томондан катта миқдордаги ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлишига қарамасдан, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштиришдаги танловни амалга оширишда маълум даражада маъмурий ҳамда иқтисодий чекловларнинг мавжудлиги, бошқарув жараёнини ташкил қилишдаги мавжуд муаммолар натижасида 2021 йилда етиштирилган жами маҳсулотнинг атиги 28,7 фоизигагина эгалик қилган ва ишчи кучи ва ердан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда [11].

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар маҳсулот етиштиришда учинчи субъект ҳисобланиб, уларнинг ялпи маҳсулот етиштиришдаги улуши 4,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда етарлича аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари бу ташкилотларда ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам бошқа субъектларга қараганда пастлигича қолмоқда.

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи ташкил омиллар гурӯҳи

1. Бозор билан боғлиқ омиллар	2. Етиштирилган маҳсулотнинг савдоси билан боғлиқ омиллар	3. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ сиёсий омиллар
<p>1. Бозор қонунларининг амал қилиш даражаси</p> <p>2. Мавжуд бозор ҳолати ва сифими</p> <p>3. Бозорда рақбатчилар сони ва уларнинг бозордаги улуши</p> <p>4. Ҳамкорларнинг бозодаги ўрни ва улар билан алоқа</p> <p>5. Таҳки бозордаги ўзгаришларнинг ички бозорга таъсири</p>	<p>1. Етиштирилган маҳсулотлар савdosини ташкил қилишда чекловларнинг мавжудлиги</p> <p>2. Маҳсулот савдоси билан шугулланувчи корхоналар сони ва мавжуд салоҳияти</p> <p>3. Воситачиларнинг нарх сиёсати</p> <p>4. Товарлар оқими каналлари сони ва уларнинг интенсивлиги</p> <p>5. Савдо инфратузилмаси мавжуд ҳолати</p> <p>6. Савдо бизнесини товарлар оқими прогрессив тизимига тайёрлаш</p>	<p>1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ ҳукумат карорлари ва уларнинг назорати даражаси</p> <p>2. Қишлоқ хўжалигини кўллаб-куватлаш бўйича мавжуд сиёсат</p> <p>3. Соҳа маҳсулотлари бозорида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган максимал, минимал нарх сиёсати</p> <p>4. Ички ва таҳки савдо сиёсатининг мамлакат қишлоқ хўжалигига таъсири даражаси</p>

Манба: муаллиф ишланмаси.

Келтириб ўтилган муаммолар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ташкилий-ҳуқуқий шакллари сабабли,

балки бошқа омиллар таъсирида ҳам вужудга кельмоқда. Буни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишига

таъсир қилувчи омилларни ташқи ва ички омиллар гуруҳига жамлаган ҳолда қараб чиқамиз. Чунки одатда, ташқи омиллар субъект фаолиятида бевосита таъсирга эга бўлишига қарамасдан субъект ушбу омилга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олмайди. Ички омиллар эса бевосита субъект фаолиятининг ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлиб, унга бевосита таъсир кўрсатиш мумкин.

1-жадвалда келтириб ўтилган омиллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усусларини танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар мамлакат ва унинг минтақалар даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай муҳит яратиш ҳамда соҳада фаолият юритувчи субъектлар учун умумий шарт-шароитларни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Натижада мазкур омиллар таъсир даражаларини замонавий статистик ва эконометрик моделлар асосида баҳолаган ҳолда уларнинг оптимал меъёр ва мезонларини белгилаб бериш куннинг долзарб бўлган масалаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий омил (ма-

салан, уруғлик ва ўғитлар) ва маҳсулотлар (масалан, экинлар) учун бозорларга киришда фермерлар ўз маҳсулотларини адолатли нархларда сотишлари ва экинларини етиштириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланишлари керак. Самарасиз ёки мавжуд бўлмаган бозорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантариш имкониятларини чеклаши мумкин. Булар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатидиган омилларнинг фақат бир қисмидир. Қишлоқ хўжалиги соҳаси олдида турган муаммоларни тушуниш ва ҳал қилиш учун ушбу омилларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга оладиган комплекс ёндашув зарур.

Бироқ мавжуд салоҳият ва ресурслардан фойдаланишда нафақат ташқи омиллар, балки ички омиллар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларга бевосита корхона даражасида таъсир кўрсатиш мумкин бўлади. Буни инобатга олган ҳолда, тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солища муҳим аҳамиятга эга бўлган ички омилларга эътибор қаратиб ўтишни жоиз топдик [12].

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солища муҳим аҳамиятга эга бўлган ички омиллар

Ташкилий тузилиш ва бошқарув билин боғлиқ омиллар	Маҳсулот, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда сифати билин боғлиқ омиллар	Маркетинг фаолияти ва уни ташкиллаштириш билан боғлиқ омиллар
<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларда бизнес тузилиши; - бизнеснинг жорий даврда кенг қўлланилаётган ихтисослик шакллари; - корхоналарда бошқарувни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариши бошқаришда қарор қабул қилиш имкониятлари; - бошқарувда замонавий усуслардан фойдаланиш даражаси; - бошқарув жараёнига замонавий аҳборот технологияларининг жорий қилинганлик даражаси; - ресурслардан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилиш имкониятлари; - корхонада кадрлар сиёсатини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот етиштириш бўйича қарор қабул қилишда эркинликнинг таъминланиши; - маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини таъминлаш; - маҳсулотнинг сифатини таъминлаш ва сифат назоратини доимий амалга оширишнинг йўлга кўйилганлиги - ўринбосар маҳсулотларнинг ўзига хосликлари 	<ul style="list-style-type: none"> - маркетинг тадқиқотларини амалга ошириб бориш ва бозор тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш; - бозордаги ўзгаришларга мослашиш бўйича стратегияга эга бўлиш; - доимий мижозларга эга бўлиш ва улар географиясини кенгайтириб бориш; - мижозлар билан ишлашни ташкиллаштириш; - маҳсулот сифати ва ўзига хос хусусиятлари бўйича мижозлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш; - янги бозор ва мижозларни излаб топиш ва улар билан ҳамкорликни кенгайтириш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мазкур йўналишда тадқиқот натижаларини ўрганиш бўйича олинган хulosаларга кўра, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда дехқон, фермер ва ширкат хўжаликлари асосий субъект сифатида майдонга чиқади ва улар қатор мезонлар бўйича бирбиридан фарқ қилиши юқоридаги таҳлилларимизда асосланган. Уларда асосий ишлаб чиқариш омиллари ер ва ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигининг ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиши уларда маълум жараёнларнинг

тўғри ташкил қилинмаганлиги ёки маълум чекловларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Мазкур жараёнлардаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш йўналишларини ишлаб чиқишида бевосида ички омиллар таъсирини ўрганиш, уларнинг таъсир даражаларини аниқ миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолаган ҳолда ишлаб чиқариш ривожланишини оптимал тартибга солиш усусларини аниқлаш лозим бўлади. Хусусан, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш-

да етакчилик қилаётган дехқон хўжаликларида маҳсулотни сотиш, экспорт қилиш, маҳсулот сифатини назорат қилиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш бўйича муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Бунинг сабабларини ўрганиш натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда мавсумийликнинг мавжудлиги, бошқа томондан эса ушбу маҳсулотларни узоқ муддат сақлаш учун маҳсус шароитлар бўлиши ёки уларни қайта ишлашнинг талаб қилиниши, бу борада ички ва ташқи омиллар таъсирини ўргангандан ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда икки гуруҳдаги омилларни ажратиб кўрсатиб ўмоқчимиз. Мазкур гуруҳга тааллуқли омиллар маҳсулот ишлаб чиқарувчнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ички ёки ташқи омил сифатида қаралиши мумкин. Булар етиширилган маҳсулотни ташиш ва сақлаш билан боғлиқ омиллардир. Ташиш билан боғлиқ омилларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин (3-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилган ва етиширилган маҳсулотни тарқатиш муваффақиятнинг ҳал қилувчи омилидир. Бу қишлоқ хўжалигидан бозорга, пировардида истеъмолчига етиширишнинг қулайлигини белгилайди. Автомобиль йўллари, темир йўллар, портлар ва аэропортлар каби транспорт воситаларининг мавжудлиги қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Транспорт инфратузилмаси чекланган ҳудудларда фермерлар ўз маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш учун кураш олиб бориши мумкин, бу эса нархларнинг пасайиши ва фойданинг пасайишига олиб келади [13].

Бу фермерлар учун қашшоқлик даврига олиб келиши мумкин, бу уларга янги технологияларга сармоя киритиш ёки ишлаб чиқариш усулларини яхшилашни қийинлаштиради. Бошқа томондан, транспорт воситалари яхши ривожланган жойларда дехқонларнинг бозорларга кириш имконияти кенгаяди, бу эса ўз маҳсулотларини қимматроқ нархларда сотиш ва даромадларини ошириш имконини беради.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалигидан етиширилган маҳсулотни ташиш билан боғлиқ омиллар

Етиширилган маҳсулотни ташиш учун имкониятнинг субъектнинг ўзида мавжудлиги ёки бошқалар хизматидан фойдаланиши	Юқ ташиш транспорти турлари ва уларнинг самарадорлиги	Маҳсулотларини узоқ масофага ташишда фойдаланиш мумкин бўлган йўл турлари ва улардан альтернатив фойдаланиш имкониятлари	Транспорт воситаларининг мавжудлиги ва ташиш хизматларининг мулкчилик шакллари, самарадорлиги ва рақобатбардошлиги	Транспорт воситаларининг техник, санитар, экологик, иқтисодий меъёр талабларига жавоб бериш даражаси
---	---	--	--	--

Манба: муаллиф ишланмаси.

Маҳсулотни ташиш жараёнида унинг сифатига путур етиши, ташиш учун зарур транспорт воситаларининг етишмаслиги, уларнинг белгиланган талаб даражасида жиҳозланмаганини каби омиллар қишлоқ хўжалигидан маҳсулотнинг катта қисми нобуд бўлиши ва самарадорликнинг пасайишига сабабчи бўлаётганлиги тадқиқотларимиз натижасида аниқланди.

Етиширилган маҳсулотни сақлаш имкониятнинг чекланганлиги мавсумий тебранишлар, яъни ҳосил мавсумида нархларнинг кескин пасайиши ва ундан кейинги даврларда ошиб боришига сабаб бўлмоқда, натижада етиширилган маҳсулотнинг катта қисми исроф бўлмоқда. Шунингдек, маҳсулот етиштирувчи субъектлар даромадининг 18,1 фоиздан 14,6 фоизгача йўқотилишига сабаб бўлмоқда [14]. Бундан кўрина-дик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини танлашда сақлаш билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиш маҳсулот етиштирувчилар да-

ромадини оширишга ҳамда улар фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ хўжалигидан сақлаш билан боғлиқ омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини танлашга қўплаб омиллар таъсир қиласи. Уларнинг таъсир даражаларини замонавий статистик ва эконометрик тадқиқот усуллари асосида аниқлаш ҳамда улар орасидаги мутаносибликни таъминлаш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш билан

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини танлашга қўплаб омиллар таъсир қиласи. Уларнинг таъсир даражаларини замонавий статистик ва эконометрик тадқиқот усуллари асосида аниқлаш ҳамда улар орасидаги мутаносибликни таъминлаш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш билан

боғлиқ жараёнларни ўрганишда улардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалигини бақарор ривожлантириш билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқишида юқори самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Тақдим этилган маълумотларга асосланниб, мақолада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солишига таъсир этувчи омиллар ва қишлоқ хўжалигининг самарали ва барқарор ривожланишига эришиш учун ушбу омиллар ўртасидаги мақбул мувозанатни топиш учун қўшимча қўйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилишнинг аҳамияти – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига турли омилларнинг таъсир даражаларини аниқлашда замонавий статистик ва эконометрик тадқиқот усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ёндашув қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар далилларга асосланган ва маълумотларга асосланган бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш – кўплаб манфаатдор томонлар, жумладан, фермерлар, давлат идоралари, илмий муассасалар ва хусусий сектор ташкилотларини ўз ичига олган мураккаб жараён. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ва самарали ривожланишига эришиш учун ушбу манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш маданиятини йўлга қўйиш жуда муҳим.

3. Инновацияларни рағбатлантириш: қишлоқ хўжалиги сектори маҳсулдорлик ва самарадорликни ошириш учун инновациялар ва янги

технологияларни қамраб олиши керак. Бунга замонавий ускуналар, рақамли технологиялар ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланишни киритишимиз мумкин.

4. Фермерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида биринчи ўринда турадилар ва кўплаб муаммоларга дуч келишади, жумладан молиялаштириш, ўқитиши ва кенгайтириш хизматлари ва бозорга кириш. Бу муаммоларни ҳал этиш фермерларнинг муваффақиятга эришиши учун зарур воситаларга эга бўлишини ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ва самарали бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш узоқ муддатли режалаштириш ва инвестицияларни талаб қилади. Ҳукуматлар, бизнес ва бошқа манфаатдор томонлар қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсишини кўллаб-қувватлаш учун тадқиқот ва ишланмалар, инфратузилма ва инсон капиталига зарур инвестицияларни киритишга тайёр бўлиши керак.

6. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш барқарор ва экологик тоза бўлиши керак. Бу тупроқни сақлаш, сув ресурсларини бошқариш ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишни тарғиб қилувчи ҳамда заарли кимёвий моддалардан фойдаланишни камайтирадиган амалиётлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва тартибга солиши билан боғлиқ турли омилларни мувозанатлаш қишлоқ хўжалигининг самарали ва барқарор ривожланишига эришишнинг калитидир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.
3. Amartya Sen, Food and freedom, World Development, Volume 17, Issue 6, 1989, Pages 769-781, ISSN 0305-750X, [https://doi.org/10.1016/0305-750X\(89\)90001-6](https://doi.org/10.1016/0305-750X(89)90001-6). (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0305750X89900016>)
4. Sambasivan Swaminathan, Mankombu; Pandya-Lorch, Rajul; Yosef, Sivan - Agriculture and food security-URI: <http://hdl.handle.net/10625/51567>
5. Jeffrey Sachs. Agriculture is central to economic growth, environmental sustainability, and human well-being.
6. Yan Su, Xianping Wang. Innovation of agricultural economic management in the process of constructing smart agriculture by big data. Sustainable Computing: Informatics and Systems. Volume 31. 2021. 100579. ISSN 2210- 5379. <https://doi.org/10.1016/j.suscom.2021.100579>
7. Кравченко Р.Г. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 2009. – 424 с.
8. Цвиль М.М., Шумилина В.Е. Эконометрический анализ и моделирование в сельском хозяйстве. // Инженерный вестник Дона, № 4 (2014).
9. Горбачев М.И. Экономико-математическое моделирование сценариев информатизации сельского хозяйства. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. № 4. С. 23-27.
10. Gulyamov S.S., Abdullayev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranishlarni proqnozlashtirish. / B.To'rayevning umumiy tahriri ostida. – T.: Fan va texnologiya, 2016. – 284 bet.
11. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизими оптимал тартибга солишининг механизмларини тақомиллаштириш. Иқт. фан. док. автореф. – Т: ТДИУ. 2017. – 66 б.
12. Холмуротов Ф.С. Разработка прогнозных значений ключевых показателей сельского хозяйства Хорезмской области. // Экономика и предпринимательство, 2021, (6), 577-581.
13. Saribaevich K.F. Issues of having optimal ratio of subjects in ensuring sustainable agricultural development. Інтеграція освіти, науки та бізнесу в сучасному середовищі: літні диспути: тези доп. III Міжнародної науково-практичної інтернет-конференції, 11-12 серпня 2021 р.-Дніпро, Україна, 2021. – 477 с., 113.
14. Холмуротов Ф.С. Разработка прогнозных значений ключевых показателей сельского хозяйства Хорезмской области. // Экономика и предпринимательство, 6 (2021): 577-581.